

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти  
давлат музейи илмий ходими: Ш. Йигиталиева*



Ижодининг асосий ғояси илм-маърифат, маданият ва техника-янгиликларини тарғиб қилиш билан бирга, ўз халқининг порлоқ келажагига, озод ва хур ҳаёт даражасига зўр умид ва ишонч билан қараган, хаттоки “Тарихи маданият” асарида ҳам ватаннинг келажакда илм-фан, маданият ривожланган шаҳарларининг қиёфасини романтик бўёқларда тасвирлаган наманганлик маърифатпарвар Ибрат эди.

Маърифатпарвар шоир, хаттот, сайёҳ, тилшунос олим, жонкуяр муаллим, серқирра фаолият эгаси бўлган-Исоқхон Ибрат 1862-йилда Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида туғилган.

Дастлабки маълумотни эски мактабда, сўнгра онасининг қўлида олади. Қўқонга бориб мадрасага ўқишга киради, 1886-йилда мадрасани тугатиб, юртига қайтади.

1887-1906 йилларда Шарқ ва Европа мамлакатларига саёхат қилган, хусусан Европанинг Истанбул, София, Афина, Рим каби марказий шаҳарларида, Шарқнинг Қобул, Боғдод, Жидда, Мумбай ва Калкутта каби шаҳарлари ҳамда Хитой, Ҳиндистон, Арабистонда яшайди. У ерларда кўп ишлатиладиган араб форс, ҳинд ва инглиз тилларини мукамал ўрганди.

1908 йилда Ибрат Оренбургдан, Гауфман деган матбаачидан, пулини 10 йилда тўлаш шarti билан литографик машина сотиб

олганлигини хозир ҳамма билади. Исҳоқхон ушбу литография анжомларини жуда катта машаққат билан Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади. 1908 йилда ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилади ва уни “Матбааи Исҳоқия” номи билан ишга туширади. Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисоалар, дарсликлар, плакатлар, табрикномалар мунтазам нашр этиб турилган. Литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типографияга айлантирилди. Намангандаги хозирги Исҳоқхон Ибрат номидаги матбаа-босмахона “Матбааи Исоқия” асосида ташкил этилган. Маърифатпарвар шоир Исоқхон Ибрат 1913 йил ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилади ва уни “Кутубхонаи Исоқия” деб атади. Кутубхонадаги 50 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар ҳамда таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларидаги кўплаб китоблардан нафақат Ибратнинг ўзи балки бутун қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган қисмида Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби китоблари мажуд бўлган. Адабиётшунос олим Улуғбек Долимов маълумотига кўра, ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёмалари фондида сақланувчи Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Наманган нусхаси деб ном олган нодир қўлёмаси “Кутубхонаи Исҳоқия” га мансуб бўлган. “Кутубхонаи Исҳоқия” даги китоблар сонининг ортиб боришида “Матбааи Исҳоқия” нинг ўрни катта эди. Бу матбаада чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммасидан бир неча нусха “Кутубхонаи Исҳоқия”га топширилди эди. Кутубхонада ўша даврда чоп этиладиган турли газета ва журналлар ҳам бўлган. Афсуски, бу кутубхонадаги кўплаб нодир китоблар 1918-1920-йиллар ҳамда 1937 йилдаги қатағон даврида йўқ қилинган. Ибрат ўзининг 1926 йилда яратган “тарихи маданият” асарида кейинги 20 йил ичида 14 та илмий –тарихий лингвистика асарлар ва 30 йиллик назмий ижодининг мажмуи бўлмиш “Девони Ибрат” шеърлари тўпламини яратган ҳақидаги маълумотни ёзиб қолдирган. Ибратнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақидаги қимматли маълумотларни шоирнинг биринчи

шеърлар тўплами “Илми Ибрат” ва тилшуносликка оид “Санъати Ибрат, калами Мирражаб Бандий”, “Луғати ситта ал-сина”, “Жомеъ ул хутут” каби илмий –педагогика ҳамда “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон ул-замон” каби тарихий асарларида учратиш мумкин.

2016 йилги Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг Наманган вилоятига ташрифлари чоғида маърифатпарвар инсон Ибрат босиб ўтган йўлидаги халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишидаги хизматларига эҳтиром сифатида Тўрақўрғон туманида Ибратга бағишлаб Ибрат мактаби, боғи, ёдгорлик мажмуаси яратиш таклифи билан чиқди. 2017 йил серқирра ижодкорнинг номини абадийлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодларга ўрнак, наъмуна бўлишлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ёдгорлик мажмуаси ташкил этиш буюрилди. Бугунги кунда ҳам замонавий, ҳам миллийликни ўзида мужассам этган мўжазгина мажмуа барпо этилган бўлиб, юртимизнинг барча масканларидан зиёрат учун келувчилар сони ортмоқда.

#### **АДАБИЙОТЛАР**

- 1.Мозийдан садо илмий-амалий,маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
- 2.San'at журнал.2/2013 йил сони.
- 3.San'at Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
- 4.Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
- 5.Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгохлари.Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева